100 китоб тўплами

БАҚЛАЖОН ЕТИШТИРИШ

17-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 634.8.032:635.646
КБК 42.346
Б 42

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчи:
С.С. Алимуҳамедов – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси катта илмий ходими б.ф.н.

Тақризчи:
С.А. Юнусов – Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси доценти қ.х.ф.д.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

Муҳаррир:
Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7167-3-5

МУНДАРИЖА

Кириш 7

Бақлажон ўсимлигининг ҳусусиятлари 9

Морфологик хусусиятлари 10

Илдизи 10

Гули 12

Меваси 14

Уруғи 14

Пояси 16

Барги 17

Биологик хусусиятлари 17

Навлари 18

Тупроқ шароити 23

Ерни экишга тайёрлаш 24

Уруғ танлаш 25

Кўчат тайёрлаш 26

Парваришлаш 26

Ўғитлаш 27

Суғориш 27

Экиш муддати ва схемаси 28

Ҳосилни йиғиш ва сақлаш 29

Бақлажонни уруғ олиш учун ўстириш агротехникаси 29

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш 31

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 37

КИРИШ

Сабзавот экинларини етиштиришда тупроқ-иқлим шароитига мос серҳосил навларни танлаш, зарур барча технологик тадбирларни ўз вақтида, сифатли қилиб изчил амалга ошириш, ўсимликнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тўғри озиқлантириш ва улар учун қулай бўлган ўтмишдош экинларни танлаш юқори ҳосил олиш гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Ҳўл мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2717-сон қарорига биноан республикада мева-сабзавот ва полиз экинлари селекцияси ва уруғчилигини 2017-2021 йилларда ривожлантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот экспорт қилиш борасидаги салоҳиятини таҳлил қилиш зарурияти, истиқболда республикамиз экспорти учун аъло таъм, юқори сифат ва рақобатбардош бўлган мева-сабзавотлар етказиб берувчи йирик экспортёр давлатга айланиши муҳимдир. Чунки, қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё ва нефткимё, озиқа-ем саноати ва уруғчилик каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади

Иссиқхона сабзавотчилиги қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини йилнинг номавсум

даврида янги, сервитамин маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ушбу йўналишни кенг ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз томонидан бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши-Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.

Ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг 3-банди Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида – қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кўпайтириш каби топшириқлари белгиланган.

Юқоридаги қарор ва фармойишлардан келиб чиққан ҳолда, шундай сабзавот ва полиз экинларини, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, аҳолини сабзавот маҳсулотларига бўлган мавсумий талабини йўқотиш, истиқболли узоқ

жойларга жўнатишга ва сақлашга қулай навларни яратиш, айниқса, улардан олинадиган ҳосил, сифатли, ҳаридоргир, саноатбоп бўлишига эришиш умумий тарзда айтганда аҳолини қишлик қировлик кунларда ҳам бақлажон экини маҳсулотлари билан узулуксиз таъминлаш мақсадида иссиқхона шароитларига мос юқори ва сифатли ҳосил олиш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишни тақозо этади.

Бақлажон Ғарбий Европанинг жанубий қисмида, АҚШда, Узоқ Шарқда, Яқин Шарқ мамлакатларида, Ўрта Осиёда, Украина, Кавказ орти ва Шимолий Кавказда кенг тарқалган.

Ушбу қўлланма бақлажон ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятлари, мақбул экиш муддат ва усуллари, парваришлаш ва етиштириш технологиясини ўрганишда зарур қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

БАҚЛАЖОН ЎСИМЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бақлажон – *(Solanum melongena)* итузумдошлар оиласига кирувчи иссиқсевар, бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг ватани Ҳиндистондир. Унинг пояси баланд бўйли (100 см ва зиёд) тик ўсувчи ва шохланувчан. Барглари йирик, овал ёки овал-чўзиқ бўлиб, қалин туклар билан қопланган. Бақлажон инсон организмидаги холестеринни камайтириш, подагра, атеросклероз, юрак-томир касалликларининг олдини олишда ва даволашда фойдаланилади. Бақлажон меваси ниҳоятда мазалилиги туфайли у Ғарбий Европанинг жанубий қисмида, АҚШ, Узоқ ва Яқин Шарқда ҳам кўп тарқалган ва кўп истеъмол қилинади. Бақлажон ўсимлиги айниқса, иссиқ ўлкалар-

да кенг кўламда тарқалган. Бақлажоннинг майда (40-60 г) мевали турлари Хитой, Япониядан, йирик (150-200 г) мевалари, Ҳиндистонда яратилган. Бақлажон мевасини экспорт қилишнинг қулайликлари шундаки, йиғиштирилган ҳосилни транспортларда бозорларга ёки бошқа шаҳарларга жўнатишда помидор ёки бошқа сабзавотлар каби кўп ҳаражат талаб қилмайди, шунингдек, тез уринмайди ва сифати йўқолмайди. Қуритилган маҳсулотга Россия ва қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта, нархи ҳам анча баланд. Бақлажоннинг барра мевалари мазалилиги учун озиқ-овқатга ишлатилади ва консерва саноати учун хомашё ҳисобланади. Бундай маҳсулотлардан жуда яхши ҳар хил салатлар тайёрланади.

МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Илдизи

Илдиз – бу орган. У ўсимликни тупроқда ушлаб туради ва унга сув, минерал моддаларни олиб, унинг озиқланишини таъминлайди. Шунинг учун ўсимлик тупроқда илдиз олиб, бошқача айтганда шохланиб чуқурлаб, ёйилиб ўсади.



Бақлажоннинг ўсиши ва ривожланиши

Илдиз тизимига асосий ён ва қўшимча илдизлар киради. Ўсимликларда икки турдаги илдиз тизими бўлади: ўзак ва попук. Ўзак илдизда асосий илдиз қувватли ўсади. Бундай илдизлар иккипаллали ўсимликларга хосдир. Илдиз барча тирик органлар каби кислород билан нафас олади, озиқланади, ўсади ва ўзгаришларга дуч келади.

Янги ўсиб келаётган ёш илдизда бўлиниш, ўсиш, сўриш, ўтказиш зоналари бўлади. Бўлиниш зонаси илдиз қинчаси билан қопланган, уларни турли таъсирлардан ҳимоя қилади. Илдизнинг узунасига ўсиши бўлиниш ва ўсиш зоналари ҳисобига содир бўлади. Энига йўғонлашиб ўсиши камбий ҳужайраларининг ички ва ташқи қаватларни ҳосил қилишида юз беради. Бақлажон илдиз тизими ниҳоятда шохланган бўлиб, асосан ернинг 40-50 см, қатламигача кириб ўсади.



Илдизнинг сўриш зонаси қуйидаги ҳужайравий тузилишда бўлади:

- Илдиз тугун пайдо қилувчи ҳужайралар
- Илдиз пўстининг ҳужайралари
- Ўтказувчи тўқиманинг ёки ёғоч билан пўстлоқ ҳужайралари

Гули

Ўсимликнинг гули ўзига хос хусусиятга эга бўлиб мева ҳосил бўлишида асосий ўрин эгаллайди. Гулнинг уруғчиси ва чангчиси бўлади. Чангчиси чангчи ипи ва чангдондан иборат бўлиб, унда чангчи жинс ҳужайраси етилади – куртакчалар, чангчалар пайдо бўлади. Уруғчининг қуйи қисмида тугунчаги, устунча ва тумшуқчаси бор.

Тугунчадан мева ривожланади. Чунки унинг ичидаги уруғ ғумбаги уруғчи тухум (жинс) ҳужайраси етилади. Чангчи ва уруғчи ҳужайралар бирикишиб, ундан янги ўсимлик организми ривожланади.



Бақлажон гуллари йирик ёки тупгул бўлиб, 4-8 та гултожбаргли, икки жинсли, йирик, оч ёки тўқ бинафша рангда. Бақлажон ўзидан чангланувчи факультатив ўсимлик. Чунки, унинг гуллари асосан ўзидан, қисман ҳашаротлар ёрдамида четдан ҳам чангланиши мумкин.

Меваси

Бақлажон меваси йирик (0,5 кг гача) резавор ҳар хил шаклда, тўқ бинафша рангли, пишганда қўнғир-сарғиш ёки кулранг-яшил рангга киради. Унинг оқ, қизил ва сариқ рангдаги ботаник шакллари ҳам учрайди. Бақлажон меваси протеин, органик кислоталар, калий, кальций, марганец, магний, темир, фосфор алюминий тузларига ҳамда пектинга бой.

Уруғи

Бақлажон уруғи гулнинг уруғ куртагидан ўсиб етилади. Унда муртаги ривожланади, муртагида ўсимликнинг органлари – илдизи, пояси, баргининг бошланмаси бўлади.

Уруғнинг ичида заҳира озиқ моддалари бўлса, сиртида ҳар турли таъсирлардан сақлаб турган қобиғи бор.

Бақлажон уруғи майда, ясси-юмалоқ, кулранг-сариқ, туксиз, 1000 та уруғининг оғирлиги 3,5-4,0 г., уруғларининг унувчанлиги 85%, 3-5 йилгача унувчанлигини сақлайди. Лекин, 1-2 йил сақланган уруғнинг унувчанлиги яхши бўлади. Бақлажон уруғининг ўсиши учун энг паст ҳарорат +13-14 °С, энг қулай ҳарорат 20-30 °С.

Ўсиш даври ҳам бирмунча узун ҳарорат 13-14 °С ва намлик етарли бўлганда уруғлар 4-5 кунда униб чиқади. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши учун қулай ҳарорат 20-30 °С ҳисобланади. Ҳарорат 20 °С дан пасайса, гулларнинг уруғланиши ва меваларнинг ўсиши тўхтаб, 15 °С да эса гул ва мева тугунчалар ёппасига тўкилади. Минус 0,5 °С совуқда ўсимликлар нобуд бўлади.

Пояси

Бақлажоннинг пояси ясси, сербутоқ бўлиб, асос қисми ёғочга айланади. Бўйи 1 м ва ундан баланд. Бутоқланиши 5-12 барглар ҳосил бўлгандан кейин бошланади. Қанча илгари бутоқланса, мева тугиши шунча олдин бошланади, барглари навбатма–навбат жойлашган бўлиб яхлит, бандли, яссидан тортиб тухумсимон, чўзинчоқ шаклли, пўсти яшилдан тортиб тўқ бинафша ранг. Тупининг ўсиши учун энг қулай ҳарорат +20-30 °С.

Бақлажон поясининг тузилиши

Барги

Бақлажон барглари йирик, овал ёки овал-чўзиқ бўлиб, қалин туклар билан қопланган.

БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бақлажон мевасининг таркибида озиқ моддалар ва витаминлар деярли кўп бўлмасада, унда 6-11% қуруқ моддалар, 2,5-4,0% шакар, 0,6-1,4% оқсил ва 0,2-0,4% ёғлар бор. Ундаги С витаминининг миқдори 1,5-7,0 фоизга тенг. У кам калорияли ва витаминли сабзавотлар туркумига киради. Бақлажон меваси протеин, органик кислоталар, калий, кальций, марганец, магний, темир, фосфор, алюминий тузларига ҳамда пектинга бой.

Бақлажон шарбатидан фермент ажратилган бўлиб, оқсили таркибида мис бор, кўп миқдорда фолат кислота учрайди. Пишган, уруғи қотган меваларида соланин М, яъни мелонген деб аталанувчи тахир модда, алколоид тўпланиб, уни истеъмолга яроқсиз қилиб қўяди.

Бақлажон қалампир ва помидорга нисбатан иссиқсевар ўсимлик. Шу билан бирга у тупроқдаги намга ва озиқ элементларга талабчан. Бошқа томатдош сабзавот экинлари сингари кўчати орқали етиштирилади.

Навлари

Бақлажон навлари экологик ва географик жиҳатдан икки: шарқий ва ғарбий гуруҳга бўлинади.

Шарқий гуруҳга мансуб навларининг тупи паст бўйли, сершох бўлиб ўсиши, барглари майда, четлари кесиксиз, тўқ яшиллиги, барг банди ва томирларининг тўқ бинафша тусли бўлиши билан тавсифланади. Меваси майда, ўртача йирик, ноксимон, шарсимон, тўқ бинафша рангли, эти оқ, тиғиз, тахир эмас. Шарқий гуруҳдаги навларнинг кўпчилиги тезпишар бўлади.

Ғарбий гуруҳга кирадиган навларнинг кўпчилиги баланд

бўйли, кам шох, барглари йирик, яшил; барг томирлари яшил ёки оч қўнғир тусли; мевалари ҳар хил шаклда ва йирикликда, ранги тўқ жигар ранг ёки кулранг яшил; ўртапишар ёки кечпишар турларга бўлинади.

Бақлажон навлари тупининг шакли ва бўйи, баргларининг йириклиги, шакли, ранги ва тукланганлиги, гули ва мевасининг жойланиши, йириклиги ва рангига ҳамда этининг қалинлиги, ранги ва мазасига қараб бир-биридан фарқ қилади. Бақлажон ўсиш даврига қараб тезпишар, ўртапишар ва кечпишар навларига бўлинади.

Майсалари кўрингандан кейин; тезпишар навлар 110-120 кунда; ўртапишар навлар 120-140 кунда ва кечпишар навлар 140 кундан кўп муддатда пишади. Ҳосилдорлигига, курғоқчиликка, замбуруғ касалликларига ва паст ҳароратга чидамлилигига қараб ҳам бақлажон навлари бир-биридан фарқ қилади.

Ўзбекистонда экиладиган бақлажон навларининг таърифи

“ФЕРУЗ” Ўртапишар нав, ўсиш даври 110–115 кун. Тупи йирик, баланд бўйли. Барги кенг, наштарсимон, яшил, ўртача қалинликда, четлари кам қирқилган, гули бинафшаранг. Меваси

шарсимон, техник етилганда тўқ бинафшаранг, биологик етилганда ранги сариқ, эти оч яшил, ўртача тиғизликда, вазни 150–200 г. Ҳосилдорлиги 35–40 т/га .

«АВРОРА». Ўртапишар нав, ўсиш даври 110–120 кун. Тупи йирик, баланд бўйли. Барги кенг, наштарсимон, яшил, ўртача қалинликда, четлари кам қирқилган, гули бинафшаранг. Меваси цилиндрсимон, техник етилганда ранги тўқ бинафша, биологик етилганда жигарранг-сариқ, эти оч яшил, ўртача тиғизликда, вазни 180–220 г. Ҳосилдорлиги 40–45 т/ га. Чириш касаллигига чидамли, фузариоз ва вертициллёз касалликларига чидамсиз.

«СУРХОН ГЎЗАЛИ». Эртапишар нав, ўсиш даври 98 кун. Ўсимлик тик ўсувчи, бўйи 70 см. Пояси яшил рангда, тикансиз. Мева шакли узун, цилиндрсимон, мевада уруғлар миқдори ўртача. Меванинг ранги қора, бинафша, ташқи кўриниши силлиқ, ялтироқ. Мева вазни 130 г. Мева мағзи оч яшил рангда. Ҳосилдорлиги 75 т/га.

ЗАМИН F1. Эртапишар нав, ўсиш даври 95 кун. Ўсимлик тик ўсувчи, сербарг, зич шохланувчан. Ўсимлик бўйи 85 см. Пояси яшил рангда, тикансиз. Меваси шакли, цилиндрсимон, мевада

уруғлар миқдори ўртача. Меванинг ранги қора, бинафша, ташқи кўриниши силлиқ, ялтироқ. Мева вазни 160 г, мағзининг эти оч яшил рангда. Ҳосилдорлиги 110 т/га.

БАРСЕЛОНА F1. Испания давлатининг "Симилос фито" фирмасининг дурагайи. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари бўйича киритилган. Мевасининг шакли чўзинчоқсимон, силлиқ, тўқ сиёҳранг. Вазни 250 г, узунлиги 18-24 см. Таъми 4,0 балл. Консерва саноатида қайта ишлаш ва янгилигича истеъмол қилиш мумкин. Ўсиш даври 105 кун. Ҳосилдорлиги гектаридан 2013-2014 йилларда Чиноз нав синаш станциясида 60,5 т/га, Мингбулоқ нав синаш станциясида 53.5 т/га ни ташкил этган. Кимёвий таркиби: қурук модда 6,6%, қанд миқдори 1,8%, витамин С 14,6 мг%, нитратлар 70 мг/кг. Айрим белгилари: юқори ҳосилдор, янгилигича истеъмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли, транспортда ташишга қулай ва фермер хўжаликларида экишга тавсия этилади.

АНЕТ F1. Голландия давлатининг "Нунемс" фирмасининг дурагайи. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Тошкент вилояти бўйича киритилган. Мевасининг шакли узунчоқ, ранги тўқ сиёҳранг, цилиндрсимон. Вазни 190 г, узунлиги

17-18 см. 2007-2008 йилларда Тошкент нав синаш участкасида гектаридан 37,0 т. Таъми 4,5 балл. Консерва саноатида қайта ишлаш ва янгилигича истеъмол қилиш мумкин. Ўсиш даври 100 кун. Кимёвий таркиби: витамин С 130,2%, нитратлар 110 мг/кг, қуруқ модда 7,5%, қанд миқдори 2,2%. Айрим белгилари: янгилигича истеъмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли, транспортда ташиш учун қулай ва фермер хўжаликларида ҳамда дала ҳовли ва аҳоли томорқасида экишга тавсия этилади.

РОМА F1. Япония давлатининг "Саката" уруғчилик компаниясининг дурагайи. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича киритилган. Мева шакли узунчоқ-цилиндрсимон, ранги тўқ сиёҳранг. Вазни 245 г, узунлиги 20-24 см. Ҳосилдорлик 2008-2009 йилларда Тошкент нав синаш участкасида гектаридан 46,5 т. Таъми 5 балл. Консерва саноатида қайта ишлаш ва янгилигича истеъмол қилиш мумкин. Ўсиш даври 110 кун.

Айрим белгилари: янгилигича истеьмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли транспортда ташишга қулай ва фермер хўжаликларида экишга тавсия этилади.

ПАНТЕРА F1. Франция давлатининг "Vilmorin" фирмасининг дурагайи. 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Дав-

лат реестрига Республиканинг барча вилоятлари бўйича киритилган. Мева шакли овал-симон-цилиндрсимон, ранги тўқ қора. Вазни 210 г, узунлиги 15-17 см. Таъми 5,0 балл. Ўсиш даври 125 кун. Ҳосилдорлик 2010-2011 йилларда Тошкент нав синаш участкасида гектардан 44,0 тоннани ташкил этган. Кимёвий таркиби: қуруқ модда 7,5%, қанд миқдори 2,1%, витамин С 12,4 мг%, нитратлар 80 мг/кг. Айрим белгилари: юқори ҳосилдор, янгилигича истеъмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли, транспортда ташишга қулай ва фермер хўжаликларида экишга тавсия этилади.

Тупроқ шароити

Бақлажон ўсимлиги механик таркиби енгил, унумдор, лойқа ўтирган ерларда, шунингдек, соз тупроқли ва яхши ўғитланган қумлоқ тупроқли ерларда, таркибида 5% гумус бўлган тупроқларда яхши ўсади. Механик таркиби оғир ерлар ва шўрланган ёки ботқоқланган ерларда унчалик яхши ўсмайди. Бақлажоннинг тупроқ унумдорлигига бўлган талаби ҳам катта.

Бақлажон учун энг яхши ўтмишдош сифатида бодринг, полиз экинлари, қовоқча, эртаги карамдан кейин экиш,

мақсадга мувофиқдир. Чунки бу экинлар ўсиш даврида 2-3 марта культивация қилиниши ҳамда туп оралиғи юмшатилишини ҳисобига кўпчилик бегона ўтлар йўқотилади ва улардан тозаланади.

Бақлажон илдиз тизимининг асосий қисми ернинг 40-50 см қисмида жойлашган. У иссиқсевар ўсимлик бўлганлиги учун унинг тупроқ намлигига бўлган талаби жуда кучлидир. Ўсиш даврининг биринчи ярмида тупроқ намлиги 75-80%, мева шакллана бошлаганда эса 65-70% атрофида, нордонлик (pH) 6,5-7,0 бўлиши лозим. У тупроқ унумдорлигига талабчан. Шўрга ўртача чидамли, нейтрал ёки кучсиз шўрланган ерларда яхши ўсади. Бақлажон етиштиришда юқорида келтириб ўтилган биологик хусусиятлари ва муҳит шароити яратилса, ундан мўл ҳосил олиш мумкин.

Ерни экишга тайёрлаш

Бақлажонни экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланади, ҳосилдан бўшаган майдон йирик ўсимликлар қолдиқларидан тозаланиб, унга маҳаллий ўғит солинади. Берилиши лозим бўлган маданий ўғитлар миқдорини бир қисми қўлда сочиб чиқилиб, кейин майдон 28-30 см чуқурликда юмшатилади. Экишга тайёрлашни кейинги тадбирлари экишдан олдин

бажарилиб, майдонлар 14-16 см чуқурликда юмшатилади. Йирик кесаклар хаскаш ёрдамида майдаланиб, бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Уруғ танлаш

Экиладиган уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун, вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлар экишолди сувда ёки 0,01-0,05 фоизли ўстирувчи стимуляторлар, микроэлементлар эритмасида 10-12 соат давомида ивитилади, сўнгра фунгицидлар билан ишланади (1 грамм уруғга 4-8 грамм препарат).

Тайёрланган уруғлар илиқ ёки ярим илиқ парник ёки кўчатхоналарга февраль ойи бошида 0,5-1,0 см чуқурликда экилади. Майсалар кўрингунча ҳароратни 20-25 °С, кўкаргач 10-15 °С да сақлангани маъқул. Кўчатлар зарур бўлса сийраклаштирилади. Бақлажонни 40-45 кунлик, пояси ва илдизлари яхши ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлган кўчатларини экиш лозим.

Кўчат тайёрлаш

Бақлажон уруғини экишнинг муқобил муддати февралнинг II–III ўн кунлиги. Ҳар бир гектар майдонга кўчат тайёрлаш учун 600 г ҳисобида уруғ сепилади. Кўчатларни кўчириб экиш усулида ҳар 1 м^2 майдонга 25-30 г уруғ, кўчирмай бир жойни ўзида етиштиришда ҳар 1 м^2 майдонга 4-5 г ҳисобида уруғ сепилади. Бунда тупроқ ҳарорати +14 -16 °С дан, ҳаво ҳарорати эса +28 -30 °С дан паст бўлмаслиги лозим. Тупроқ намлиги 80 – 85% бўлиши керак. Тайёр бўлган бақлажон кўчатларини ҳар бирининг узунлиги ўртача 16-18 см дан ва улардаги барглари сони 5-6 тадан бўлган даврида очиқ майдонларга экилади.

Парваришлаш

Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар ўзини тўлиқ тутиб олгач бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришлашдан 12–15 кун ўтгач иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади. Бақлажон ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қўйилгани маъқул.

Ўғитлаш

Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда гектарига 15-20 тонна гўнг, N-160, P–120, K–80 кг солиш тавсия этилади. Азот карбамид ёки сульфат аммоний, фосфор эса аммофос, калий эса калий хлор кўринишида бериш керак.

Минерал ўғитлар қуйидагича солинади: карбамид – гектарига 330 кг, аммофос – 261 кг, калий хлор - 160 кг. Агар азот сульфат аммоний кўринишда берилса, у ҳолда бу ўғитнинг миқдори гектарига 760 кг.

Ўғитлар қуйидаги муддатларда берилади: Кузги ҳайдовдан олдин: аммофос– гектарига 196 кг, калий хлор – 120 кг.

Биринчи озиқлантиришда – кўчатлар тутиб олгандан сўнг улар тез ўса бошлаган даврда: аммофос – гектарига 64,8 кг, калий хлор – 40 кг, карбамид – 165 кг ёки сульфат аммоний – гектарига 380 кг берилади.

Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаш ва мева тугишининг бошланиш даврида: карбамид гектарига – 235 кг ёки сульфат аммоний – 380 кг миқдорида солиниши лозим.

Суғориш

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсиш даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5–6 м^3 ҳисобидан 18–20, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда 12–15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган

ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8–12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5–7 кунда суғорилади. Куз фаслида экин камроқ суғорилади.

Экиш муддати ва схемаси

Жанубий вилоятларда эртаги навлар мартнинг III ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг I-II ўн кунлигида; марказий минтақада жойлашган вилоятларда эртапишар навлар апрелнинг I ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг II–III ўн кунлигида ҳамда майнинг I–II ўн кунлигида, уруғ билан очиқ майдонга апрелнинг I ўн кунлигида; шимолий минтақаларда эртапишар навлар апрелнинг II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг III ўн кунлигида, майнинг I ўн кунлигида ва уруғ билан очиқ майдонга апрелнинг II ўн кунлигида экилади.

Бақлажон навлари текис майдонларда 70×40 см, схемада экилади. Экилгандан кейин кўчатларни албатта суғориш зарур. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 360 та кўчат сарфланади.

Ҳосилни йиғиш ва сақлаш

Бақлажон меваси техник пишганда йирик, пўсти тўқ бинафша, ялтироқ, тахирсиз, уруғи қотмаган ҳолда узилади. Пишиб кетган мевасининг ранги оқара бошлайди. Ҳар 5–7 кунда терилади.

Совуқ олдидан ҳосилнинг ҳаммаси, жумладан майда, тўлиқ пишмаганлари ҳам териб олинади. Бақлажон мевасини узоқ сақлаб бўлмайди, у иссиқда айниқса тез бузилади. Шунинг учун узилгандан 2–3 кун ичида сотилиши ва қайта ишланиши лозим. Ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 200–300 ц ва ундан зиёдни ташкил этади.

Бақлажонни уруғ олиш учун ўстириш агротехникаси

Уруғ олиш учун бақлажон кўчатидан ўстирилади. Уруғлик учун етиштириладиган бақлажон экини илдиз мевали сабзавотлардан сўнг, пиёз, карам ҳамда полиз экинларидан бўшаган ерларга экилгани маъқул. Бақлажон ўсимлиги юқори миқдорда бериладиган органик ва минерал ўғитларга талабчан. Бақлажоннинг ҳар гектаридан

15 тонна ҳосил олиш учун соз тупроқларда N150, P 2O5 — 100, K2O-50 кг/га, ўтлоқ тупроқларда N150, P 2O5 — 120, K2O-50 кг/га, миқдорда солинади. Бақлажон уруғи парникларга февралнинг ўрталарида ва мартнинг бошларида экилади. Кўчат экишнинг энг қулай муддати 20 апрелдан 10 майгача. Ер кузда ҳайдалиб, эгатлар ҳам олиб қўйилади. У оддий усулда экилганда қатор оралари 70 см, туп оралиғи 40 см бўлади. ҳар гектарига 36 минг туп кўчат кетади. Кўчат тутгандан сўнг қатор ва туп оралари культивация қилинади, атрофи юмшатилади, 10–12 кун ўтгач, биринчи марта ўғитланади ва суғорилади. Бундан кейинги суғориш ҳар 9–10 кунда ўтказилади. Ҳар суғоришдан сўнг қатор оралари культивация қилинади. Бақлажон ёппасига гуллаган даврда эса иккинчи чопиқ қилинади.

Уруғлик экинлар меваси етилган даврда (апробация қилинади) текширилади. Уруғли участкаларидаги мевалар кузда ҳосили пишгандан кейин узилади. Мевалари соғлом, тўлиқ пишган, ҳамма нав белгилари йиғиндиси ўша навга мос келадиган мевалардан уруғ олинади.

Бақлажон сентябрь ойининг охирларида бир марта узилади. Узиб олинган мевалар бир неча кун уйиб сақланади, бунда улар яхши етилади ва юмшайди, сўнгра мева майдалайдиган машиналардан ўтказилиб, сув солинган бочкаларда икки-уч ачитилади, сўнгра уруғ турпларидан машиналар ёрдамида ажратилади, ювилади ва қуритилади. Ҳар бир тонна уруғлик бақлажондан 12-15 кг уруғлик чиқади.

КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Антракноз касаллиги:

Ўсимликлар зарарланганда ботиқ ёстиқчалар ва никроз ҳосил қилади. Илдиз бўғзида бироз ботиқ, қўнғир ёки қизғиш қўнғир доғлар пайдо бўлади. Илдиз тукчалари чириб туксиз бўлиб қолади, барглари сарғаяди ва пасткиларидан бошлаб аста-секин қурийди.

Агротехник: Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Профилактик: Уруғларини экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим-0,4л/т, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6л/т, 50% Фундозол - 2,0кг/т дорилаб экиш.

Кимёвий кураш чоралари: Ўсимликларни ривожланиш даврида 20% Квадрис–0,6л/га, 69% АкробатМЦ–2,0кг/га, 68% РидамилГолд-2,5кг/га,
Мис купороси-6,0-8,0кг/га,
72% Превикур-1,5л/га,
45% Проксанил-2,0л/га,
Курзат Р-2,5кг/га. каби фунгицидлардан бирортаси билан алмашлаб пуркаш тавсия этилади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2–3 кун ўтказиб

ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва озиқа моддалар комплекси (N,P,K), микроэлементлар мавжуд бўлган ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалардан бирортаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Фитофтороз касаллиги: Фитофтороз касаллиги ўсимликларни гуллаш пайтида намоён бўлади. Баргларда кўзга яққол ташланувчи кулранг-қўнғир, ботиқ, тўқ-қўнғир доғлар пайдо бўлади, секин-аста қурийди. Туганак кесилса, унинг четларидаги тўқималарнинг чиришини кузатиш мумкин. Бундай туганаклар омборларда сақлаш пайтида иккиламчи микроорганизмлар таъсирида бутунлай чирийди.

Агротехник тадбирлар: алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик. **Биологик кураш** чораси сифатида 100 л сувда 10 л триходермин препаратини тайёрлаб, ҳар бир ўсимлик тагига 100 мл миқдорида қуйиш ҳам яхши натижалар беради.

Профилактик тадбирлар: Бақлажон уруғларини экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим-4мл/кг, 31,2% Селес Топ-6мл/кг, воситалар билан дорилаб экиш тавсия этилади.

Кимёвий кураш: Ўсимликларни ривожланиш даврида *(Азоксистробин)* 25% Квадрис, сус.к.; 25% Герос, сус.к. - 0,6 л/га, *(Диметоморф+манкоцеб)* 69% Акробат МЦ-2,0 кг/га, *(Манкоцеб+металаксил М)* 68% Ридамил Голд -2,5 кг/га, 68% Фунгацеб плюс сд.г.-2.5кг/га,*(Пропамокарбгидрохлорид)* 72,2% Преви-кур, 72,2% Нуво, 72,2% Прокуре-1.5 л/га; *(Пропамокарб гидрохлорид+цимоксалин)* 45% Проксанил-2,0л/га, фунгицидларнинг бирортаси билан алмашлаб пуркаш тавсия этилади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2–3 кун ўтказиб ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва озиқа моддалар комплекси (N,P,K), микроэлементлар бўлган ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларнинг бирортаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Фузариоз касаллиги: бақлажоннинг пастки барглари, кўпинча бир томонидан, сарағайиши ва ўсимликлар сўлиб қолиши кузатилади. Сўлиган барглар қурийди, бироқ тушмасдан, новдаларда осилиб қолади, ўсимликни қуриб қолишига олиб келади.

Агротехник тадбирлар: алмашлаб экиш, қатор оралариға сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Профилактик тадбирлар: Бақлажон уруғларини экишдан 25–30 кун олдин 2,5% Максим-4мл/кг, 31,2% Селес Топ-6 мл/кг, 50% билан дорилаб экиш тавсия этилади

Кимевий кураш: Ўсимликларни ривожланиш даврида *(Азоксистробин)* 25% Квадрис, сус.к.; 25% Герос,сус.к.- 0,6л/га, *(Диметоморф+манкоцеб)* 69% Акробат МЦ- 2,0кг/га, *(Манкоцеб+металаксил М)* 68% Ридамил Голд -2,5кг/га, 68% Фунгацеб плюс сд.г.- 2.5кг/га, *(Пропамокарб гидрохлорид)* 72,2% Превикур, 72,2% Нуво, 72,2% Прокуре- 1.5 л/га; *(Пропамокарб гидрохлорид+цимоксалин)* 45% Проксанил-2,0л/га, фунгицидларни биронтаси билан алмашлаб пуркаш тавсия этилади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2–3 кун ўтказиб ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гиббереллва озиқа моддалар комплекси (N,P,K), микроэлементлар бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларнинг биронтаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Фузариоз сўлиш касаллигининг кўриниши

Колорадо қўнғизи *(Leptinotarsa decemlineata)* Колорадо қўнғизи бақлажонниинг энг хавфли зараркунандаси ҳисобланади. Бу зараркунанда бақлажонни баргини кемириб, зарар етказади, айрим йиллари ҳосилни 70% гача нобуд қилиши мумкин. Колорадо қўнғизи 3-4 та насл бериб ривожланади.

Агротехник тадбирлар: Алмашлаб экиш, қўнғиз миқдори кам бўлганда қўл кучи билан териб йўқотиш.

Кимёвий кураш чоралари: Ўсимликни ривожланиш даврида *(Ацетамиприд)* Моспилан, протектор, нестор, 20% н.кук. – 0,02-0,03 л/га, *(Дельтометрин)* делцис 2,5%, децис 2,5%-0,15л/га, тадж 10%, децис 10%-0,035л/га, *(имидоаклоприд)* конфидор, багира, когинор, компрадор, 20% к.э. – 0,05 л/га; *(хлорантранилипрол)* кораген, 20% сус.к. – 0,04 -0,05 л/га препаратлардан бири билан сувда яхшилаб аралаштириб пуркаш, такрорий ишлов зарур бўлса, препаратни алмаштириб ишлатиш тавсия қилинади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2–3 кун ўтказиб ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва озиқа моддалар комплекси (N,P,K), микроэлементлар таркибида бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларни биронтаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Колорадо қўнғизи ва личинкасининг кўриниши

Ўргимчаккана *(Tetranychidae urticae)* итузумдошлар оиласига кирувчи ўсимликлар (помидор, картошка, бақлажон) га жиддий зарар етказади. Ўргимчак кана билан зарарланган бақлажон барглари сарғайиб кетади, ҳосили майда сифатсиз бўлиб қолади. Бир йилда 12–20 та бўғин беради. Битта урғочи 150–160 та тухум беради.

Кураш чоралари: Алмашлаб экишни ташкил этиш.

Ўргимчак кананинг кўриниши

Кимёвий кураш: Ўсимликни ривожланиш даврида *(пропаргит)* олтин водий, Узмайт энтомайт, Омайт, 57% к.эм. – 1,5 л/га, *(бромопропилат)* Митрон неорон, 50% эм.к. – 1,0-1,2 л/га, *(абамектин)* Вертимек, Акаринсект, алгамек, Торпедо голмектин, Даламектин, 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га, *(гекситиазокс)* хексорум, ниссоран 5% - 0.6 л/га, Ниссоран, Элтосоран, тетросан 10% - 0,3 л/га, препаратлардан бири билан сувда яхшилаб аралаштириб пуркаш, такрорий ишлов зарур бўлса, препаратни алмашлаб пуркаш тавсия қилинади.

Кимёвий ишлов берилган далаларга 2-3 кун ўтказиб ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва озиқа моддалар комплекси (N,P,K), микроэлементлар бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларнинг бирортаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ., Адилов М.М., Акромов У.И. Сабзавотчилик ва полизчилик. Тошкент: 2009. – б. 124-135.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. – Тошкент: 2020. – 55 б.

3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.

4. Бўриев Х.Ч, Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ., Муҳамедов М.М. «Очиқ жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари» Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2002. – б. 245-251.

5. Болтаев Б.С., Сулаймонов Б.А., Мавлянова Р.Ф., Холмуродов Э.А., Рустамова И.Б. Сабзавот экинларининг зараркунанда, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент: 2013. – б. 23-29.

6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларга ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари рўйхати. Тошкент: 2016. – б. 384.

7. Хожаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. Тошкент: 2014. – б. 541.

8. Хожаев Ш.Т. Агротоксикология асослари ҳамда тадқиқот ўтказиш қоидалари. Тошкент: – 2018. б. 143.

Интернет сайтлари

https://www.sabah.com

https://en.wikipedia.org/wiki/Eggplant

https://www.agro.uz

42.346
Б 42
Бақлажон етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 40 б.

ISBN 978-9943-7167-3-5

УЎК 634.8.032:635.646
КБК 42.346

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

БАҚЛАЖОН ЕТИШТИРИШ

17-китоб

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
М. Юсупова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
Ш.М. Одилов

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.